

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 28 май, №112 (3224)

Чоршанба

## Ташаббус. Изланиш. Самара

Гап мазкур вилоятда пахтачилик соҳасида тўпланган ўзига хос тажриба ҳақида бораяпти, албатта. Эсингизда бўлса, 2000 йил 20 октябрь кuni Оксаройда пахтачиликка бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов Андижон тажрибасини таҳлил ва тарғиб қилиш лозимлигини уқтириб ўтган эди. Бу кўрсатмадан келиб чиқиб, таҳририят каминани Андижон вилоятига сафарга юборганди. Пировардида «Андижон технологияси» сарлавҳали туркум мақолалар газетанинг 2001 йил январь ойидаги сонларида эълон қилинган эди.

Ўртбошимиз шу йил 22 май кuni Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан мулоқот чоғида «Андижон мактабини бутун мамлакат бўйича тарғиб-ташвиқ қилайлик» деб яна бир бор таъкидлади. Ва «Шу мактабини синчиклаб ўрганайлик. Унинг тагида нима бор, илди-зида нима бор? Шартлари нима? Агротехниканинг одамларга етиб бормаган минглаб сирлари борки, уларни очиб бериш керак» деган ҳаётий масалаларни кўндаланг қилиб қўйди.

Шу муносабат билан биз яна мавзуга қайтишни лозим, деб топдик. Аммо бу гап журналистнинг таассуротлари, кўрган-билганлари ва ўрганганларини қозғога туширмадик, балки «Андижон усули», «Плёнка остига чигит экиш усули», «Андижон технологияси» деб аталувчи тажрибанинг бошланиш тарихи, мақсади, мазмун-моҳияти хусусида унинг ижодкорлари — мутахассислар ва деҳқонларнинг ўзлари гапириб бердилар.



# АНДИЖОН МАКТАБИ

— Биласизми, ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, вилоятимизда пахта ҳосилдорлиги камаянтдан-камаяиб бораверди, — дея ҳикоя қилди Олтинқул туманилик таниқли пахтакор, «Намуна» ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Мамажон Ҳамроев тарихга мурожаат этиб. — Бунинг сабаблари кўп эди, албатта. Аввало, баҳорда ўз берадиган табиий офатлар — ёмғир, дўб ва сел оқибатида ерга чигит экиш орқага сурлиб, баъзида юзлаб гектар майдонларга уруғни қайта қалашта мажбур бўлардик. Айрим хўжалиқларда эса май ойи ва ҳатто июннинг аввалида ҳам бў юмшув давом эттирилгани, айниқса, дўпти тор келган паллада дуч келган уруғнинг ишлатилгани туфайли пахта оқибатини кечиктар, оқибатда йилгем-терим декабрийни охиригача қўзғаларди.

Албатта, ҳукуматимиз томонидан истиқбол йилларида пахта ҳосилдорлигини ошириш, тоза сифатини ахшилатиш, ҳосилни барвақт йиғиштириб олиш, бозор шароитида хўжалиқлар иқтисодисини мустаҳкамлаш, деҳқонни меҳнатига яраша рағбатлантириш вази-фаси давлат сибастати қўзғарилган бир пайтда бу азам-моларни ечиш ғоят долзарб ҳисобланарди. Шунда мутахассислар: «Дунё пахтачилик тарихида тажрибадан ўтган бир усул мавжуд. У «Плёнка остига чигит экиш усули» деб аталади. Агар биз ҳам уни жорий этсак, қўзғалган мақсадимизга етамиз», — дейишди. Бунинг учун албатта ўзгача сепкалар ва зарур микдорда плёнка талаб этиларди. Ниҳоят, плёнка остига чигит экишдан сепкаларнинг ишлаб чиқариш ва плёнка тайёрлашнинг эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, 1997 йилда янги барпо этилган «Андижон полиетилени» Ўзбеки-

тон-Америка қўшма корхонаси жамоалари ўз зиммаларига олди. Шу тариқа, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун 90-йилларда бошланган ишларимизнинг ҳосилини кўраятимиз.

**Мансурбек СУЛТОНОВ, республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош мутахассиси, иқтисод фанлари номзоди:**  
— Андижон усулида гўза ўстирувчи қўйилган талабларнинг баҳарини шарт:  
— **чигитни плёнка остига экиш агротехникасини пухта ўрганиб, унга қатъий риоя этиши;**  
— **хар бир ишарачи ёки оилавий пудратчига шартнома асосида қамида 1-1,5 гектар экин майдони бириктириб қўйилиши;**  
— **илк ва ер шароитига мос, тезилар ва ҳосилдор нав танлашиши;**  
— **уруғлик чигит сифатли тозаланган ва сараланган бўлиши, у илдиз чириши, зом-моз, сўрувчи ҳашаротларга қарши препаратлар билан до-рилланиши;**  
— **хар бир майдони 25 ноябр-гача 35-40 ва ҳатто 45 сан-тиметр чуқурликда ҳайдаланиши, текисланиб, пушта олиниши;**  
— **экин техникаси 15-20 декабрда созилиб, синодан ўтказилиши;**  
— **чигитни экиш тупроқнинг 10 сантиметр чуқур-лигида ҳарорат 8-9 даража-гача етганида бошаниши;**  
— **экин билан бир вақтда эгат ўртасига 16-18 сан-тиметр чуқурликда йиллик минераз ўтинис 30-60 фоз-ли солиниши лозим.**

Биз ҳар йили кузги шудорини 20 ноябр-гача ниҳоят етказамиз, — дейди Жалолқудук туманидаги «Ерқишлоқ» ширкат хўжалиги бош мудири Расулдор Тешабоев. — «Магнум» трактори ёрдамида ер 35-40 сан-

тиметр чуқурликда ҳайдалиб, кертарига 450-500 килограммдан фосфор, 80-100 килограммдан калий солинади. Шунингдек, мавжуд 468 гектар майдонда картограмма асосида 3,5-4 минг тонна гўнг сегилади.

Шулдорлашдан кейин экин майдони узун текислағич ёрдамида текисланиб, пушта оли-нади. Гап шундаки, сифатли текислашдан ва пушта олинган ерларда кўчат текис ва қийос-сиз чиқди. Ниҳол сел ва ёмғирдан ҳам талафот кўриб, барвақт ўсади. Чунки ёгин-гарчилик пайтда кўчат атро-фида сув йиғилмайди.

Бундан ташқари, хўжалиги-мизда техника воситаларини баҳорги мавсумга барвақт тай-ёрлаб қўйишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жамоамиз-да қарашли муқобил машина-трактор парки бўлиб, унда 11 та сепка, 12 та «Т-28», 2 та «МТЗ-80», 4 та «Т-4», 2 та «Т-75» трактори, 2 та ОВХ, 15 та транспорт трактори, 35 та ав-томашина ва 37 та тележка мавжуд. Уларнинг ҳаммаси 15 декабрда қўлдан чиқарилиб, махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинди.

**Урмонжон БОЗОРБОВ, Шаҳрихон туманидаги Тошму-хаммад Саримсоқов номи шир-кат хўжалиги бошқаруви ра-иси, Олий Мажлис депутати:**  
— Илким ва ер шароитига мос, тезилар ва ҳосилдор нав танлашнинг хосияти катта. Шу мақсадда 1997 йилда биз си-нов участкасида 10 дан зиёд гўза нави чигитини эккан эдик. Пировардида «Фаргона-5», «Оқдарё-6», «Армуғон», «Андижон-33», «Белый изво-р» навлари жамоамизнинг ер шар-роитига мос эканлиги маълум бўлди. Аммо деҳқонлар улар-дан иккитасини — «Белый из-вор» ва «Андижон-33»ни тан-лаб олдидлар. Бугунги кунда эса фекат, «С-2609»ни экая-миз. Нетаки, у касалликка чи-дамли, пахтаси эрта очилди, ҳосили мўл бўлди.

**Урғибой РАХМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўра-сан пахтакор:**  
— Бир-бири билан ҳамбар-час боғлиқ ана шу юмушлар ўринлантирилган сўнггина чи-гит экиннинг мақбул схема-си ҳақида ўйлаган киши юта-ди. Бу нима дегани? Ҳўзанинг соғлом ривожланиши учун етарли микдорда ҳаво, ёруғ-лик, иссиқлик, озуқа ва нам талаб этилади. Мабодо шу беш унсурдан бириртаси етишма-са, ниҳолнинг ўсиш метёри бузилади. Бунинг олдини-олиш мақсадида гўза қатор орасини тупроқ шароитига қараб белгилаш мақсадга му-вофиқдир.

Мен нимани назарда тутая-ман?

Экин билан экин оралли-даги масофа шундай танлани-ши керакки, бу ҳол биринчи кундан бошлаб гўзанинг эгит-паекти қисминга ҳам оғдотб нури ва иссиқлик тушишига олин бериши. Ана шунда ни-ҳол дуркун ривожланади. Ма-салан, Тошмухаммад Сарим-соқов номи ширкат хўжали-гида чигит 90 схемасида якка қаторга қалайиб, юқори сама-рага эришилган. Сабаби — бу ерда гектар ҳисобида 115 минг тулдан зиёд гўза ўсти-ришга қолдирилди. «Кўчат тўлиқ» — ҳосил бўлиқ деган-ларини шу-да.

Айтгандай, чигит экинни қай вақтда бошланг дурсун? Илгор хўжалиқларнинг барча-сида, қочорида Мансурбек Сул-тонов қай эгитандек, тупроқ-ни 10 сантиметр чуқурли-гидан ҳарорат 8-9 даражага етган паллада, анқирғон, март ойининг иккинчи ўн кунли-гидан бошлаб ерга уруғ таш-ланади. Экин билан бирга, плёнка остига — пушта ўр-тасига 16-18 сантиметр чуқур-ликда йиллик минерал ўгин-нинг 30-60 фозини солинади.

— Еру экиндан пайд эмас-лик учун ери ўз эгасига, яъни ҳақиқий деҳқонга бериш за-рур, — сўхтабта қўйиладди

«Намуна» ширкат хўжалиги-нинг бош пудратчиси Аса-лхон Расулва. — Бундай де-ҳқон эса қузда бўлгуси ҳосил-га қўйилган тамал тошидан қаноатланмасдан, кўкдам ва ёзда ҳам уни янада замзам-лайди. Узимиздан қийс: мав-жуд 47 гектар майдоннинг ҳаммаси пудратчиларга улар-нинг кучи ва имкониятига қараб 1-2 гектардан бўлиб бе-рилган. Улар йилга 60 цент-нердан ошириб ҳосил олмақ-далар.

**Отбек КОДИРОВ, Избо-кан туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви ра-иси:**  
— Биз бултўр жами май-донга чигитни 60х12 схема-сида, яъни кўш қаторлаб экан-дан эдик. Янгалаш пайтда битта уяда бир туп, агар унинг ёнидаги уяда чигит унинг чиқ-маган бўлса, учинчисида 2 туп гўза қолдирилди. Шу тариқа, бир гектар ерда ўртача 100 минг туп ниҳол ўстирилди. 10-15 майгача плёнка йиғиш-тириб олинди. Гўза ҳаммаси бўлиб 7 марта култивация қилиниб, 4 марта суғорилади, 3 марта озиқлантирилди. Би-ринчи суви тараш олдидан ҳар гектар майдонда 250-300 килограмм аммиакли септира, 100-120 килограмм фосфор солинди. Иккинчи сува эгат-ларга шарбат оқилиб, учин-чисида — 10-15 июлда гекта-рига 150 килограммдан азот ишлатилди. Ниҳолда 15-16 та шох пайдо бўлган, у чеканка қилинди. Чилбиб олинган шохчалар этак ёрдамида пай-кал четига чиқарилиб, ёнди-риш юборилди. Июл ойи охи-рида эса пахта очилди.

**Зуҳриддин БЕРДИҚУЛОВ, академик Саримсоқов номи шир-кат хўжалигининг бош пуд-ратчиси:**  
— Бизнинг 9 гектар ери-миз бор. Бир кунда унга эки-лаб аъзолари чигит экиб чи-қалди. Улар 9 кишидан ибор-рат. Бир нафар тракторчи, 3 нафар пудрат аъзоси, 4 та на-

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2003 йил 29 май кuni Москва шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида, 30 май кuni эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий учрашувида иштирок этади.

Хушхабар

## Олтин толага — олтин соврин

«Қашқадарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бир-лашмаси жамоаси Бутун-жаҳон сифат кўмитасининг «Сифат маданиятини яратиш» дастури бўйича таъ-сис этилган олтин соврин-ини қўлга киритди.

Швейцариянинг Женева шаҳрида мазкур кўмита-нинг 116 мамлакат вақил-лари иштирокида бўлиб ўтган 5-анжуманида бир-лашма раҳбари Рустам Жўраевга Бутунжаҳон си-

## Самарқандда рисола тақдимоти

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетидеда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод Шарофиддиновнинг «Президент — мустақиллик мейвори» асари тақдимоти ўтказилди. Бу маросимда университет профессор-ўқитувчи ва талабалари, таниқли олим ва адиллар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар «Прези-дент — мустақиллик мей-вори» асарида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов сиймоси нафақат Ўзбекистон муста-қиллиги ижодкори, балки унинг тараққиёт йўлини белгилаб берган шахс сифатида еритилганини таъ-кидлади.

Асар муаллифи ўз сўзи-да бу рисола унинг узоқ йиллик кузатувлари ва шах-сий худосалари ҳосилати сифатида қозғога тушгани-ни айтиб ва қатнашчилар-ни қизиқтирган қўлпаб са-

## Ҳамкорлик анжумани

21-22 май кунлари Париж шаҳрида Франция Республи-каси ҳукумати ташаббуси билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги гиёҳ-ванд моддалар ва жиноятчи-ликка қарши кураш Бюроси ҳомийлигида «Марказий Осиёдан Европага гиёҳванд моддалар йўли» мавзусида халқаро конференция ўтқа-зилди. Унда жаҳоннинг 55 мамлакатли, 13 халқаро таш-килот делегациялари ишти-рок этдилар.

Конференциянинг вазирлар даражасидаги йиғилишини Франция Республикаси Прези-денти Ж.Ширак очди. У ўз нутқида, Афғонистонда толиб-лар режимининг ағдарилганига қарамай, минтақа ва жаҳон-даги барча мамлакатлар тинч-лигига раҳна солиётгани, гиёҳ-ванд моддалар тарқатиш ҳа-нуз давлат миллий қиримининг беҳшан бир қисминини ташкил этаётгани туфайли, Афғонис-тон Утқиш ҳукуматининг мам-лакатни қайта тиклаш, гиёҳ-ванд моддаларнинг ишлаб чи-қарилишига барҳам бериш йўлидаги ҳаракатлари, Фран-сия ҳукумати томонидан тўла қўллаб-қувватланишини таъ-кидлади.

Йиғилишда АҚШ Давлат Котиби Колин Пауэлл, Гер-мания Федератив Республика-си ташқи ишлар вазири Йош-ка Фишер, Россия Федерация-си ташқи ишлар вазири И.Иванов ва бошқа давлат ва-зирлари мавзуга қўшилди.

Ўзбекистон делегациясига

## Пойтахтимизда

### Замонавий технологиялар — келажагимиз

Ахборот-коммуникациялар технологияларининг ҳаётимизнинг барча жаҳадларига кириб келиши биз-нес ва таълимни йўлга қўйиш механизмларини тубдан ўзгартириб бормоқда. Эндиликда олий мактабини компьютерлаштириш муаммолари, масофавий таълим-ни жорий этиш, банк фаолиятида ахборот технология-ларини такомиллаштириш каби масалалар интеллек-туал кучларни йўналтиришни тақозо этади.

Яқинда университетимизда ўтказилган «Иқтисод-чи кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашда ахбо-рот-коммуникация технологиялари» мавзусидаги ре-спублика илмий-амалий анжумани мазкур соҳанинг долзарб масалаларини муҳокама қилди. Анжуманда университетимизда ишлаб чиқилган электрон дарс-ликлар, виртуал кўргазма ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари намойиш этилди. Қатнашчилар ака-демик Восил Қобулов, университет ректори, про-фессор Р. Алимов чиқишларини алоҳида қизиқиб билан тингладилар. Шунингдек, профессорлар Ш.Ко-милов, М.Зокирова, А.Каримов, доцентлар А.Мара-ҳимов, Ш.Ҳошимқўжаев, И.Иватов ва бошқалар за-монавий ахборот технологияларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги ижобий тажрибалар, муаммолар ечи-ми тўғрисида сўзлашди.

Анжуманда ахборот-коммуникациялар техноло-гиясининг жорий этиш борасида биз, ёшлар олдидан катта вазифалар турганлигини астойдил ҳис қил-дик. Демак, Интернет фестиваллар, Интернет фо-румларда ўзбекистонлик талабалар кенг ва фаол иштирок этишлари лозим.

**Нигора ҚОБИЛОВА,**  
Тошқат давлат иқтисодий университети талабаси.

## Жойлардан хабарлар

### «Маҳаллалар фаолияти бизга манзур бўлди»

Европа парламенти вакиллари-нинг Жиззах вилоятига ташириф қизқар-ли учрашувлар, савол-жавобларга бой бўлди. Парламент аъзолари дастлаб «ЛРС-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида бўлишиб, пласт-масса қуурлари ишлаб чиқариш жа-раёни билан танишдилар.

Шундан сўнг, меҳмонлар вилоят марказидаги «Ёшлар» мажмуида та-шириф бууришди. Улар Жиззахлик ёшларнинг яшаш тарзлари, ўқини ва дам олиш жараёналари билан қизиқ-дилар. Шаҳардаги «Маҳалла» мар-казида фуқаролар йиғинлари раисла-ри ҳамда оқсоқоллар билан бўлган уч-рашув Европа парламенти вакилла-

рида яхши таассурот қолдирди.

— Биз учун юртингиздаги маҳал-лаларнинг мамлакат ижтимоий ҳаёти-даги, ёшлар тарбиясидаги ўрни ғоят маъқул бўлди, — дейди учрашув сўнгида Европа парламенти аъзоси Ричард Корбетт.

Меҳмонлар Жиззахдаги Олимпия за-ҳиралари коллежини ҳам кўн мамла-катлар учун янгилик, деб баҳолашди.

Вилоят ҳокими У. Ямакқулов ҳузу-рида бўлган учрашувда Европа пар-ламенти вакиллари вилоятдаги ижти-моий-иқтисодий ислохотларнинг бо-шири билан танишдилар.

**Баҳрияддин САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Битим имзоланди**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси раҳбарияти тақлифи би-

### «Халқ сўзи» назоратида

### ХАТОЛИК УЧУН УЗР

Ҳар кун қилиқди» мақола-си-га келган айрим юзани жаоб-лар танқид қилинганди.

Бирлашма техник дирек-тори А.ВАЛИЕВдан наваб-тотги расмий жаобга ва унга илова қилинган буйруқ нус-хасти қараганда, жамоа раҳ-барияти аввалги мақоламизда кўрсатилган далил бўйича тек-шириш ўтказиш учун иссиқ-лик инспекцияси бошлиғи Ф.Джепарова топшириқ берган. Бироқ котибнинг етакчи мута-хассиси К. Одилов мақола-ни русчага ноаниқ таржима қилиб (бирлашмада иш юри-тиши ҳақида тилда олиб бори-лишини аниқлашди) — таҳ-ририят), 47-уй жойлашган ту-

Давлат божхона кўмитаси матбуот хизмати.

# ШАҲАРДАН ЧИҚҚАН ФЕРМЕР

Ташаббус сўнамасин

Икки олий ўқув юртини тутатган, яъни кўш дипломли, устига устак шахарлик мана-ман деган йигитнинг чўлдан ер олиб, фермерлик қилаётганини эшитиб, дастлаб ишонмадим.

Ургангандайм ниҳоятда кунт билан ўрганди. Шу боис «Шогирд устозидан ўтибди», деганларидай, экинларининг авжи баланд.

«Отаси бир табиркорлик билан шуғулланиб, фермерлик қилиб ҳам кўрай, деб ўлининг номига ер олгандир-да» деган фикр ўли хаёлимдан. Тошмурод ака эса бутунлай тескари гапни айтди:

«Тўғрисини айтсам, ўғлимнинг фермер бўлишига қарши эдим. Ахир далада ишлашининг ўзи бўладими? Деҳқончилик қилиш, ишни ташкил этиш ҳаммининг ҳам қўлидан келармайдими. Ўғлим ёш, кўнунг устига, шаҳарда ўсган. Фермер дегани чанг, ёмғиру лой, жазирамас иссиқ демай ишлаш керак ахир. Чидолмайди, деб ўйладим. Аммо кўндиролмадим. Ўзи югуриб-елиб ер олди, кейин мен ҳам қизиб кетибман дег. Ҳозир ота-бола даламиз. Тўлқинжонни кўрсангиз, уни ҳеч шаҳарда ўсган демайсиз. Бир умр қишлоқда, далада ишлаб, катта бўлгандек гўё. Ўзини худди уста деҳқондек тутди. Қайси далага ўғит, қайсинига ишлаш, қайси билан деҳқончилик билан шуғуллаётган кишиникига сира ўхшайди. Бир текисда, қуюқ бўлиб ўсаётган ямғири галла майсаларино беато униб чиққан гўза ниҳоллари кўзга тингани кунаради.

— Тўғриси айтсам, ўғлимнинг фермер бўлишига қарши эдим. Ахир далада ишлашининг ўзи бўладими? Деҳқончилик қилиш, ишни ташкил этиш ҳаммининг ҳам қўлидан келармайдими. Ўғлим ёш, кўнунг устига, шаҳарда ўсган. Фермер дегани чанг, ёмғиру лой, жазирамас иссиқ демай ишлаш керак ахир. Чидолмайди, деб ўйладим. Аммо кўндиролмадим. Ўзи югуриб-елиб ер олди, кейин мен ҳам қизиб кетибман дег. Ҳозир ота-бола даламиз. Тўлқинжонни кўрсангиз, уни ҳеч шаҳарда ўсган демайсиз. Бир умр қишлоқда, далада ишлаб, катта бўлгандек гўё. Ўзини худди уста деҳқондек тутди. Қайси далага ўғит, қайсинига ишлаш, қайси билан деҳқончилик билан шуғуллаётган кишиникига сира ўхшайди. Бир текисда, қуюқ бўлиб ўсаётган ямғири галла майсаларино беато униб чиққан гўза ниҳоллари кўзга тингани кунаради.



Натижада яхши ҳосил ололмаган эдик. — Ерни чидаганга чиқарган, ҳамма ҳам фермер бўлавермайди-да, — уни қўллаб-қувватлайди Иброҳим ака. — Тўлқинжон галла майсалари бир қарич бўлганда бетона ўтлан тозалатди. Минерал ва маҳаллий ўғит, сув ўз вақтида берилди. Шундай бўлгач, экин яшайди-да. «Тўлқинжон» фермер ўқув юртидаги аҳоли орасида машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўлди. Лойиҳанинг иккинчи bosқичида ҳам асосий эътибор семинар-машғулотларга қаратилган. Масалан, яқинда бўлиб ўтган икки кунлик семинар-машғулотда Фарғона, Навой, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этиди. Ҳозир машғулотларни чекка вилоятларда ҳам ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда июнь ойидан кўча семинарлар уюштирилиб, лойиҳанинг биринчиси нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тизими анча ривожланган Самарқанд вилоятида ўтатилган бўлди.

# САМАРАЛИ ЛОЙИҲА

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ). Мамлакатимизда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишнинг қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа фаол амалда оширилмоқда. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида парламентлараро ва сиёсий мулоқотларни кенгайтириш, ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш, модиявий бозор, савдо ва сармоя муҳитини ривожлантиришга қаратилган.

Мазкур лойиҳа эксперти Малик Мирзаевнинг маълум қилишича, ҳозир иккинчи bosқич амалга оширилмоқда. Унинг асосий йўналишларидан бири нодавлат ва нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

# Таъминот яхшиланадиган бўлди

Наманган вилояти ҳокимлиги Ҳамид Олимжон номидagi ширкат ҳўжалигининг Гулшан фуқаролар йиғини худудида яшовчи Абдубоқи Бобоев «Халқ сўзи»га йўллаган шикоят хатини Чортоқ тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўрганиб чиқди.

Маълум бўлишича, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси шартнома мажбуриятларини бажармагани, Уйчи АГРС орқали кунлик лимитдаги 201 минг куб метр ўрнига 80,7 минг куб метр газ чиқариши оқибатида, ҳақиқатан ҳам, 2002 йилнинг ноябрь-декабрь, 2003 йилнинг январь-февраль ойларида Чортоқ тумани аҳолиси табиий газ билан бир меъёрга таъминланмагани. Ҳозирга келиб, бу камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, аризачи истиқомат қиладиган маҳалладаги таъминот ҳам яхшиланди, барча хонадонларга ҳисоблагич асбоблар ўрнатилди. Ҳозирги иш билан таъминлаш мақсадида шу худудда анчадан бери бўлиб келган икки бино мато ва шолча тўқиш дастгоҳлари билан жиҳозланди. Ишлаб чиқаришининг биринчисини май, иккинчисини ноябрь ойида ишга тушириш режалаштирилди.

Бундан ташқари, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш учун Ҳамид Олимжон номидagi ширкат ҳўжаларини бажариб, уларни июль ойида фойдаланишга топшириш чоралари қўрилмоқда. Турдонбод кўчасига шағал ётқизиш йомушлари эса ҳўжалик ва туман автомобиль йўллари бошқармаси томонидан 10 мартдан эътиборан бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимлиги қишлоқда амалга оширилётган ишларни назорат қилиб боришини Чортоқ тумани ҳокимлигига топширди.

А. ФОЗИЛОВ, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Тинчлик — осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётйи заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Ислом КАРИМОВ.

Нуроталик таниқди журналист Ҳамдам Эшонқулов яқинда Тошкентга иш билан келиб, бирров таҳририятимизга кириб ўтидилар ва гурунгимиз огоҳлик мавзусига кўчганда улуг юнон файласуфи Суқротдан бир ривоят келтирилди: «Қаерликсиз?» — деб сўраганлариди, у «Ерликман!» — деган эканлар...

— Қаранг, — давом этди Ҳамдам ака, — шундай буюк Инсон одамларни миллати, ирқи ва динига қараб ажратмаган. Аксинча, ўзини Ер фарзанди билдиб, «Ерликман!» — деб жавоб берибди. Бу билан у ерликларнинг тафаккури бой, маънавияти юксак бўлиши керак, ҳам демократиячи-да... Лекин орадан шунча давр ўтди ҳам, инсоният не-не жангу-жаддалар, қонли урушлар, ёвузлик ва фитналарни кўрган бўлса-да, баъзи ерликлар буюк донишининг ўша жавобини ҳамон ўзларига маслҳат қилиб олишолмади: боқ-инчилик, кўпурувчилик, зуравонлик, портлашлар, гаровга олишлар — ҳаммаси улларда ана шундай маслҳатнинг йўқлигидан...

— Тўғри айтасиз, — қувватладим уни. — Терроризмининг нимадигани ўзимиз ҳам кўрдик... Кейинги ёвузликлар содир бўлган жойлар — Америка, Индонезия, Москва, Ар-Риёд, Чеченистондан узоқдими, яқиндими, бунинг фарқи йўқ. Лекин разилликнинг миллати бўлмаслигини, террорчи деган олти эҳолнинг чуқур англамаётганлиги боиси ҳам шунда...

Касболошим куйиниб билдирган бу фарқларга менинг қўшим-чам шуки, аввал, биз катталар огоҳликда ибрат бўлсаккина, ёшлар ҳам: огоҳлигининг маъносини тушунишган бўларди. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш бош бошқармасида бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Раъшан САЛОВЕВ сўзлад:

— Илоҳот, юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиб, хонадонларимиздан барака аримасин, деган тилакларни дуои фотиҳа каби кўп тақорраймиз. Лекин, тинчликни таъминлаш — чегарачи, милиция ходими ёки хавфсизлик идораларининг иши деб қараб туриш, бу, нотўғри. Осойишталик — ҳар бир инсон дахлдор бўлган ҳаётйи зарурат. «Ўз уйингни ўзинг асра!» — деган шиорни олинг. У бизнинг кундалик ҳаётйи уйишимиз, кундалик аманнинг иши деб қараб туриш, бу, нотўғри. Осойишталик — ҳар бир инсон дахлдор бўлган ҳаётйи зарурат.

Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервдаги хизмат тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ушанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январда охирида Новосибирскка борганимни эсладим. Вазирам осон эмас - журналистлик текшируви ўтказишим керак эди. Мен ва «Совет Ўзбекистони» журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибирь ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик ийгитларнинг ўлдирилгани ҳақида қўллаб-дадилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

# Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража соғуқда қўлда белкуррак ушлаган жазолик ва қаршилик йигитларнинг соғуқ урган қўллари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўли касал ва бошидан армияга қаққирмаслиги керак эди. Шунингдек, қўллари Совет армияси тузилмасида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан «зуравонлик» азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайдми. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунагани учун буйруқга бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ «гауптвахтадаги ётишининг» сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни «қуриш батальони»да ўтади, Сибирнинг аёвсиз соғуғида «қовла», «кўр», «таши» деган буйруқларни бажаришига тўғри келиди. Ҳарбий хизматнинг жонқор мева берадиган бозорга айлантирмоқчимиз.

Энди бошқа давлатлардаги кўпчилик қаққир қишдаги йигитларнинг ўзбекистонлик тенқурларига ҳавас келиши мумкин. Негаки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга арокчи ва уни кекингириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига келиниги муддатта қаққирмайди диган шахслар сафарбарлик қаққирив резерви /СЧР/ киритилиши айтилган. Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига энг кам иш қаққининг 25 баробари миқдорда пул тўлаганидан кейин, фарзандининг сафарбарлик қаққирив резервида хизмат қилгани муҳаббатлига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юрларида ўқиши, солиқ, боғ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазиёфаси билан чет элга бориши мумкин. Ўшбу қонунга мувофиқ шартнома тўлганидан кейин ҳарбий хизматга қаққирилган шах ишлаши, табиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиб, маълумоти-ни ошириши мумкин. Бу борада шунга эслайтиб ўтиш керакки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинганга қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга қаққирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмийчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик қаққирив резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белги-ланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга қаққирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йигитга ёки фавуқлода ҳолатларда қаққирилди, холос. Белги-ланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшгача сафарбарлик қаққирив резерви сафиди бўлади. Бунда муддатли ҳарбий хиз- матнинг қандай бўлиши асосан ишнинг муҳимлигига, унинг оқибатига ва ҳар қандай қариндошлари, балки юридик шахслар — турли корхоналар ва хусусий фирмалар қафилликка олиши мумкин. Бир йил тўлаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик қаққирив резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилди. Бунда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгшоси қаби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик қаққирив резервида хизмат қилган шахс тегшли ҳарбий-ўқув муҳаббатлигига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юрларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазиёфаси билан чет элга бориши мумкин. Ўшбу қонунга мувофиқ шартнома тўлганидан кейин ҳарбий хизматга қаққирилган шах ишлаши, табиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиб, маълумоти-ни ошириши мумкин. Бу борада шунга эслайтиб ўтиш керакки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинганга қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга қаққирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмийчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик қаққирив резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белги-ланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга қаққирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йигитга ёки фавуқлода ҳолатларда қаққирилди, холос. Белги-ланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшгача сафарбарлик қаққирив резерви сафиди бўлади. Бунда муддатли ҳарбий хиз-

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги исоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартрилди. Мустақилликка биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик. Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт қўрғини Қуролли Кучларга амалга ошириладиган исоҳотларга тўхталган экан, аҳолига ҳарбий хизматга қўнунчилик асосида киритилган янгиликларни ўқитишда оммивий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга қаққириб ёшди. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қаққиртирди. Ўйлашмича, туман /шаҳар/ бўлими ўрта-сида шартнома тўзлади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга қаққирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга

афиди ҳар бир умир йигитлик бурчнинг ўташги сабр-сизлик билан кутгани ва бунга ўзига шараф деб билади. Зеро, Қуролли Кучларда бўлаётган бурчнинг ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг худудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

Азизахон ТҶИҲОБОВА, ЎзА мухбири.

Мирзо Бобур, Мирзо Улугбек... сингари буюқ зотларнинг авлодимиз-а?! Террорчи ким бўпти? У одам қиёфасини йўқотган бир ёки бир гуруҳ қалласексар холос. Шунга бас келолмаймизми? Хуружининг олдини ололмайдими? Бас

# Уйғоқлик олдида ёвузлик мағлуб

Уйғоқлик олдида ёвузлик мағлуб... кела оламиз, олдини ҳам ола билмасиз. Фақат доим огоҳ бўлиб, ўз уйишиз, ўз маҳалламиз, ўз шаҳар-қишлоғимиз тинчлиги учун куонсак, огоҳлик ва ҳушёрликни кундалик ҳаётимиз мезонига айлантирсак бас... Шунда — Юртбошимиз айтганидек, биз бир бутун енгилмас халққа айланамиз...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон хизмат кўрсатган журналисти.


# ОРОМГОҲЛАРИМИЗ

**Альп тоғларидаги масканлардан қолиш-майди**

Кейинги йилларда мамлакатимизда сайёҳлик бизнесини ривожлантириш, дам олувчиларга қулай, жаҳон андозаларига мос оромгоҳлар куриш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Тошкентликлар ва меҳмонларнинг сеvimли жойларидан бири — "Чорвоқ — Чимён — Билдирсой" соғломлаштириш мажмуаси ана шулар сирасига киради. Сўнги пайтларда турли хил фирмалар кўл остида фаолият юритиб анча сусайган гўша Тошкент ҳокимияти тасарруфига ўтганидан сўнг замонавий услубда бутунлай қайта қурилди.

ҳавоси ва турли хил доривор ўсимликлар XIX асрдаёқ кишиларнинг эътиборини қозонган.

— Айни пайтда "Чимён оромгоҳи"ни қайта куришни режалаштириб турибмиз. — дейди ушбу соғломлаштириш маркази директори В. Ястребов. — Уни замонавий қилиб тиклаш билан бирга, тоғ чанги спортини ишқибозлари учун керакли жиҳозлар харид қилишни режалаштирганмиз.



Бизга қиш фаслида швейцариялик, франциялик ва россиялик сайёҳлар келишиди. Улар худуднинг иқлими ажойиблиги, қор эса учини учун Европадагидан ҳам яхшироқ эканлигини эътироф этишиди.

Меҳмонхона яқинидаги умумий узунлиги 2000 метрли арқон йўли келувчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Чимённинг бағрида "яширинган" "Билдирсой" энг ажойиб дам олиш маскани ҳисобланади. 38,23 гектарда жойлашган оромгоҳга тор ва эгри йўлдан кўтарилиш керак. Тепаликда тўрт юлдузли "Билдирсой" меҳмонхонаси

йил бўйи сайёҳларга хизмат кўрсатади. Меҳмонхонада 78 кишига мўлжалланган 38 та хона мавжуд. Ундан ташқари мажмуага 16 та оилавий кotteж ҳам киради. Бу ер МДХ ва бошқа давлатлардан келган чангичиларнинг сеvimли масканига айланган. Дам олувчилар Чотқол, Чеком ва Кўксув водийлари, Чорвоқ сув омбори бўйлаб ноёб археологик ёдгорликлар, асрлар давомида жуда кўп афсоналарга мавзу бўлиб келатган Пулатхон яси тоғига сайр уюштиришлари мумкин.

— Бизга келган хоризжлик сайёҳлар худудимиз иқлиминини мақтаб, бу ер Альп тоғларидан мутлақо қолишмаслигини эътироф этишади, — дейди "Билдирсой оромгоҳи" соғломлаштириш маркази директори И. Ирисматов. — Лекин афсуски, мавсумлар орасида ҳавонинг ёмонлашиши туфайли оромгоҳга кўтарилиш қийин бўлади.

Оромгоҳлар раҳбарларининг айтишича, жаҳон андозаларига мос қилиб қайта қурилган ва жиҳозланган масканда мамлакатимиз аҳолисининг дам олиши учун нахарларни пасайтириш кун тартибидан энг долзарб вазифалардан биридир.

Шундай қилиб, оромгоҳлар янги мавсумни бошлашга тайёр.

**Салим ДОНИЁРОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

худудда замонавий спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. "Олтин кўлқоп" деб номланган бу мажмуада теннис корти, футбол майдони ҳамда бошқа спорт турлари бўйича энг нуфузли мусобақаларни ҳам ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

**Набижон СОБИР,**  
"Халқ сўзи" мухбири.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**  
**АҚШ долларларида янги қисқа муддатли депозитларни таклиф этади.**

<b>САҚЛАШ МУДДАТИ — 3 ВА 6 ОЙ.</b>	Муддатлари қулай ва мақбул!
<b>МИНИМАЛ СУММАСИ — 300 АҚШ ДОЛЛАРИ.</b>	Маблағ қанча кўп қўйилса, фоизлар ҳам шунча кўп бўлади!
<b>ЎСИБ БОРУВЧИ ФОИЗ СТАВКАСИ — 3 - 5%.</b>	Фоизлар фақат АҚШ долларларида тўланади!
<b>ШУНИНГДЕК, САҚЛАШ МУДДАТИ 1 ЙИЛДАН 2 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН, ФОИЗ СТАВКАСИ 4 - 6%ЛИ ДЕПОЗИТЛАРГА ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.</b>	
Ўз ЖАМҒАРМАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОВЛАЙМИЗ.	
<b>Миллий банк Сизнинг пулларингиз сақланиши ва даромадлилиги учун кафолатдир!</b> Мулоқот учун телефонлар: 137-62-83, 137-62-81.	
<a href="http://www.nbu.com">www.nbu.com</a>	

Наманган туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежи техника саройига замонавий «Кейс» пахта териш машинаси, «Отайўл» юк автомобили, «ТТЗ-100» тракторлари келтирилгандан сўнг амалий машғулотларни Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этиш имкониятлари кенгайди.

## «Кейс» рулида талаба

Эндликда бўлажак мутахассислар билим ва кўникмаларини ана шу техникалар рулини бошқарган ҳолда мустақамламоқдалар.

Мутасаддилар ушбу ўқув даргоҳи ва Наманган вилоятидаги бошқа қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республика амалий семинарини шу ерда ташкил этдилар.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Тадбиркорнинг спорт мажмуи

Қўқонлик тадбиркор Мансуржон Муқимов укалари Рауфжон, Мақсуджон билан маблағларининг бир қисмини ўз маҳалласида спорт мажмуи бунёд этишга сарфлашга аҳд қилдилар.


Уларнинг бу хайрли ишларини дўстлари Акбаржон, Ҳасанжон, Рустанжон, Нўъмонжон ҳам қўллаб-қувватлашди.

Шу тариқа шаҳардаги 36-маҳалла фуқаролар йиғини

## «ТОШКОЧАВТО» МЧЖ

Самарқанддаги «СамКочАвто» заводининг ваколатли сервис станцияси бўлиб, заводнинг техник мутахассислари билан биргаликда 2003 йил 2 июндан 10 июнга қадар **ОЧИҚ ЎШИҚЛАР КУНЛАРИ**

тадбирини ўтказеди. Тадбирдан мақсад Ўзбекистонда ва Туркияда ишлаб чиқарилган «UZOTOYO» ва «OTOYO» автобуслари ва юк автомобилларини белул техник ташхиддан ўтказиш ҳамда сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан иборат.



**УШБУ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЬ СОҲИБЛАРИНИ ТАДБИРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**


**БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!**

Тадбир вақти — 10.00дан 16.00гача.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 27-уй (мулжал: метронинг «Собир Рахимов» бекати, «Тошкент-Лада» худуди).  
Телефонлар: 115-28-91, 79-45-74, 79-54-96, 79-47-89.

# GSM UZDUNROBITA first cellular

## ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ ЗАРАФШОНДА!

**ШАҲАРЛАРАРО ҚУНҒИРОҚЛАР**



**МАҲАЛЛИЙ ҚУНҒИРОҚЛАР**

**ЯҚИНДА! Plus**

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ, ЯНГИ ХИЗМАТИ

**ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚУНҒИРОҚЛАР МАҲАЛЛИЙ ҚУНҒИРОҚЛАРДЕК НАРХЛАНАДИ**

КЕЧАЮ - қўнғув маълумотлар хизмати:  
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09  
"uzdunrobita" ҚҚ телефонларидан - 611

тошкентдаги сервис маркази манзили:  
устон юсуфов кўчаси, 16 - 40 ("лабзак").  
[www.uzdunrobita.uz](http://www.uzdunrobita.uz)

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

### Пеле-эртакчига элчи

Футбол қироли Пеле қанақа лавозимларда ишлаган дейсиз, тадбиркор, вазир, ҳукумат вакили, савдогар... Энди у элчилик вазифасини ҳам бажаришга киришди. Бразилиянинг бирор-бир хорижий давлатдаги фавқулода ва муҳтор элчиси бўлганлиги, деб ўйлаётган-дирсиз. Йўқ, адашасиз. Маълумки, 2005 йили

бутун дунёда ўзининг ажойиб эртақлари билан болалар қалбини сеҳрлаган даниялик эртақчи Ханс Христиан Андерсеннинг 200 йиллик юбилеи кенг нишонланади. Ушбу санани юксак савияда ўтказиш учун эртақчининг юртдошлари ҳозирданок тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Дания шаҳодаси Фредерик бу ишда Пелени ёрдамга чақирди ва дунё бўйлаб «Андерсеннинг элчиси» вазифасини бажаришни илтимос қилди. 62 ёшли футбол қиро-

### Ўйиндан ташқари ҳолат

ли шахзоданинг раёини қайтармади, бу ишга бажонидил рози бўлди.

### «Жанг» майдондан матбуотга кўчди

Европа чемпионлари лигасининг ярим финал баҳсида Италиянинг «Ювентус» жамоаси Мадрид су-

перклуби «Реал»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финал йўлнамасини қўлга киритгач, Италия матбуоти Испания футболлини масхарага ташди. «Испания ҳеч қачон биз билан тенглаша олмайди, на терма жамоа, на оддий клуб миқёсида», деб ёзади «Cottiere dello Sport» газетаси. Унинг фикрини давом эттирган ҳолда «Gazetta dello Sport» «Испания энди тиз чўкиб, биздан узр сўраса бўлади, шунда ҳам биз уларни кечирмаймиз», деган сўзлар-

ни ишлатди. Газетанинг биринчи саҳифасини бегаган ушбу сўзлар ўтган йили Пиреней ярим ороли журналистлари томонидан Италия чемпионати «Эрамиздан олдинги лига» деб берган таърифага яраша жавоб бўлди. Умуман олганда, италиялик журналистлар «Ювентус»нинг ғалабасини бир четта суриб, испаниялик ҳамкасбларининг ўтган йилги гапларига жавоб қайтариш билан банд.

Дилмурод ПАРМИЕВ тайёрлади.

### КИМ ҲОЛИБ?

#### ЮРТИМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ 2003 ЙИЛ I-ЧОРАК ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА УТКАЗИЛГАН РЕЙТИНГ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон банклари уюшмасининг «Ахбор-Рейтинг» банкларо рейтинг компанияси республикада тижорат банкларининг I-чорақ якунлари бўйича навобатдаги рейтинг тадбирларини ўтказди. Тадбир натижалари шунки курсатдики, республикада тижорат банклари орасида ҳақиқий рақобат муҳити юзага келаяпти. Бу эса ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган банк тизимини либераллаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг брши ифодасидир.

Эслатиб ўтамиз, Марказий Осиёда ягона рейтинг компанияси бўлиши «Ахбор-Рейтинг» банкларо рейтинг компанияси ўтказган ушбу тадбирда бу сафар ҳар галгидан кўп—27 та тижорат банклари қатнашди. «Узприватбанк», «Уктамбанк», «Калиталбанк», «Даврбанк»-ларнинг илк бора қатнашишлари қувонарли ҳол.

Қўйида республикада тижорат банклари капитал, молиявий фаолиятининг кўлами, ликвидлиги ва фойда олиш қодирликлари ҳисоблаш натижасида олинган умумий рейтинг натижаларини эълон қиламиз.

#### 2003 йил биринчи квартал якунига қўра Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари рейтинг натижалари

Гуруҳдаги ўрни 2003 й. 01.04.	Банк	Абсолют рейтинг 01.04.2003 й.		Балл	
		Абсолют рейтинг	Гуруҳ бўйича рейтинг	01.04.2002 й.	01.04.2003 й.
<b>Йирик банклар</b>					
1	Миллий банк	99,75	92,23	96,68	
2	«Асака» банк	99,22	84,51	86,14	
3	«Пахтабанк»	98,86	58,87	66,87	
4	«Ўзўйжойжамгармабанк»	95,61	43,05	50,22	
5	«Ўзсанотқурилишбанк»	92,47	40,26	42,75	
6	«Галлабанк»	82,70	13,10	28,81	
7	«Халқ банк»	71,54	13,07	19,08	
8	АБН АМРО Банк	40,45	-	4,80	
<b>Ўрта банklar</b>					
1	«Хамкорбанк»	50,57	43,21	87,83	
2	«Узприватбанк»	50,35	79,55	87,55	
3	«Алоқабанк»	49,83	62,86	86,87	
4	«УТ-банк»	47,11	89,37	82,97	
5	«Авиабанк»	43,49	83,09	76,91	
6	«Бизнес банк»	38,80	-	67,75	
7	«Савдогарбанк»	38,64	54,93	67,41	
8	«Трастбанк»	37,05	34,53	63,99	
9	«Туронбанк»	30,39	1,76	48,35	
10	«Ипак йўли» банки	25,74	14,37	36,73	
11	«Ўзтадбиркорбанк»	23,03	19,22	29,94	
12	«Замин» банки	13,17	7,53	8,45	
13	«Парвинабанк»	9,35	*)	3,16	
<b>Кичик банклар</b>					
1	«Уктамбанк»	31,59	-	89,62	
2	«Универсал банк»	12,36	-	64,55	
3	«Капиталбанк»	10,76	-	54,51	
4	«Истикболбанк»	6,13	1,22	47,61	
5	«Даврбанк»	2,83	-	32,78	

Ўзларнинг алоҳида кўрсаткичларини янада яқол намойиш қилган банклар рейтингини тахлил қилганидан бўлса, «Универсалбанк», «Пахтабанк», «Истикболбанк»-ларнинг муваффақиятларини кўришимиз мумкин.

#### Умумлаштирувчи кўрсаткичлар бўйича 2003 йил биринчи квартал ҳолатига гуруҳ етакчилари

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар	Ўрни	Йирик банклар (ТИФ МБ сия)	Ўрта банklar	Кичик банклар
Молиявий фаолият кўлами	1	«Асака» банк	«Бизнес банк»	«Алп Жамол банк»
	2	«Пахтабанк»	«Савдогарбанк»	«Уктамбанк»
	3	«Ўзсанотқурилишбанк»	«Хамкорбанк»	«Универсал банк»
Капитал етарлиги	1	«Асака» банк	«УТ-банк»	«Уктамбанк»
	2	АБН АМРО Банк	«Авиабанк»	«Истикболбанк»
	3	«Галлабанк»	«Трастбанк»	«Универсал банк»
Ликвидлиги	1	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«УТ-банк»	«Капитал банк»
	2	«Халқ банк»	«Трастбанк»	«Истикболбанк»
	3	«Пахтабанк»	«Узприватбанк»	«Универсал банк»
Фойдаланилиги	1	«Галлабанк»	«Алоқабанк»	«Даврбанк»
	2	«Пахтабанк»	«Хамкорбанк»	«Истикболбанк»
	3	«Ўзўйжойжамгармабанк»	«Бизнес банк»	«Универсал банк»

### ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

### «VETIL-FARMA» МҶМ

#### ЎЗИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ — ЯЛОҚ ТОШИ «ZOOMINERAL» НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШЛАДИ.

«ZOOMINERAL» ялоқ тоши — қорамол, от, қўй ва эчкиларга мўлжалланган бўлиб, биологик актив моддалардан ташкил топган. Ялоқ тошининг узлуқсиз равишда қўлланилиши сут соғувини 10-20%, вази ортишини 20-30%, юнг ўсишини 12-15%га кўпайтиради ҳамда уй ҳайвонларини турли касалликлардан сақлайди.

«VETIL-FARMA» МҶМ бундан ташқари товук, жўжа, қорамол, чўчка, қўй ва эчкиларнинг премиксларини (витами-минерал-аминокислота озука қўшимчалари) ҳам ишлаб чиқаради.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИ ВЕТЕРИНАР ДОРИХОНАЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГIZ МУМКИН.



Бизнинг дистрибуторларимиз телефонлари: 191-82-82, 35-19-37. Савоплар бўйича мурожаат учун телефонлар: 103-42-35, 187-55-90.

Ушбу жойда Сизнинг рекламangiz бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама — БИЗНИНГ ИШНИ ҚўЛАБ-ҚУВАТЛАЙМИЗ!

### “TEZINTOM”

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ТУРАИ РАНГАЛИ ҲА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ИШҚИ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАШИ ТОВАЛАР ТУАҚ КОМПЛЕКТАРИНИ ТОШТИРИШ: «Вардаси» ва «Милла» металлпрофилилар. Майда торқиди уч хла турдаги профилининг профна баъдадиги 19 нол.

Қўй турли аксессуарлар (том вардон заминлар), Металлопрофили ва профналу узулими 0,55 дан 12-метргеца. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4,5 кг. Том анжон-адриши бирхис Фарб устуларда чет за тошадиги тайёрланади.

ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНАЛААРИ, УРАЛТИҚ ЗАВМАНГАЛИ БИЛАН БИРГАТЛИҚДА Тураи рангади полимер қорамол, та-лининг 0,5 ммлик профналу асали.

Маъзили: Тошкент ш., Муҳитдинов к. 100ЭМЗ-1). Мўража: «Буюк Ипак йўли» м. ст.

“ТЕЗИНТОМ” қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли камайтирилган.

Тел.: (098-71) 162-42-47, 162-78-50, 162-42-74. Факс 162-41-03. E-mail: tezintom@qlobalnet.uz

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

бош офисдаги матбуот хизмати бошлиғи лавозимига ишга қабул қилиш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов қатнашчиларидан қуйидагилар талаб қилинади:

- олий маълумот;
- матбуотда 3 йилдан ортиқ иш тажрибаси;
- компьютерда ишлаш кўникмаси;
- ўзбек, инглиз, рус тилларини билиш;
- Тошкентда рўйхатга олинган бўлиши.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101-уй. E-mail: Gabdurakhmanova@central.nbu.uz. Телефонлар: 137-59-53, 137-59-46, факс: 137-59-58.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

БИР ТУМБАЛИ ИШ СТОЛЛАРИ, ЮМШОҚ ЎРИНДИҚЛИ ҚАТТИҚ ЁҒОЧДАН ЯСАЛГАН СТУЛЛАР, ТЕМИР ШКАФ

СОТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛГАНЛИГИНИ БИЛДИРАДИ.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар маълумот олиш учун эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй, 247-хона. Телефонлар: 144-89-60, 144-89-42 (ички тел.: 218, 212), факс: 144-44-57.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иجتимоий масалалар ва бандлик қўмитаси Қўмиа котиби Ш. Умаровага отаси ОҚБУТА отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағмармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай МУРОД вафоти муносабати билан марҳумнинг онда аълолирига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ҳаёт ва қону» юридик журнали, «Исон ва қону» ҳақуқий газетаси бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририятининг доимий ҳамкори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай МУРОДнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг ондаси ва яқинларига чуқур тазийа билдиради.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг таҳририяти «Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти бўйича муҳбири Абдуваҳоб Пирматовга акиси Абулаула АБДУРОЗИҚОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқоронлик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг уринбосари Фароғат Умаровага отаси Норболлом УМАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур тазийа изҳор этади.

### T.S. TECHNOLOGY

## КОМПЬУТЕРЛАРИ КУЧЛИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТАДИР

O'zbekiston, Toshketn sh., H. Olimjon m., Poytaxt biznes markazi, G'arbiy tomon, 29, 30 ofis. Tel.: 137-72-91/92. Fax.: 137-72-98.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОҢОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухидинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қайнбергенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00001 Буторгча Г — 428, 29565 нуекада бошилди. ҳақими — 2 талоб. Офсет усулида бошилган. Копуз бичими А—2 Газета ИВМ компьютерлари тарали ва операторлар Жаҳишда ТОҒАЕВ ва Аабар БОЛТАЕВ томонидан сифтланган.

Таҳририятда ҳақими 5 китогдан зиёд мураттаблар қабул қилинади. Г—Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев. Навбатчи — М. Ҳошимова, Мусаллоҳ — М. Сулаймонова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Топширилади — 20.40 1 2 3 4 5 6